

Xabar

15
(812)-son

11-aprel

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Telekom Austria компанияси янги хизматни йўлга қўйди. Унга кўра, энди компания мижозлари турли вирус ва зарарли дастурлардан ишончли муҳофазаланади. Яъни HSPA-модемда ишлаётган пайтда фойдаланувчига зарарланган интернет сайти ҳақидаги маълумот ўз вақтида компания томонидан жўнатиб турилади. Компания вакилларининг комил ишонч билан таъкидлашларича, бу хизмат жаҳонда илк бор жорий этилмоқда.

2008 йил —
Ёшлар йили



Келажагимиз бунёдкорлари

Юртимиз ёшларининг чуқур билим олишлари, уларнинг юқори малакали мутахассис, шу билан бирга, жисмонан соғлом, ҳар томонлама салоҳиятли, маънавиятли инсон бўлиб етишишлари йўлида давлатимиз томонидан катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир. Газетамизнинг 4-5-саҳифаларида Тошкент ахборот технологиялари университетиде келажак эгалари бўлган ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда ушбу илм даргоҳининг иқтидорли талабалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

4-5-БЕТЛАР

Ушбу сонда

Ўзбекистон-Ҳиндистон:
Ахборот
технологиялари
бўйича ҳамкорлик

2-БЕТ

 RAYNET да
янги хизматлар

3-БЕТ

Кадастровая система
объектов связи

6-БЕТ

Компьютер сабоқлари

11-12-БЕТЛАР

Симсиз алоқа
имкониятлари

13-БЕТ

Аёл қалби

14-БЕТ




Кенг қамровли
суғурта хизматлари

tel.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 апрел куни Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди.**

Саммитда Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари саммитда нутқ сўзлади.

✓ **Матбуотда "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ҳамда "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари эълон қилинди.**

✓ **Буюк Соҳибқирон Амир Темурутўғилган жой — қадимий Шаҳрисабз шаҳрида "Амир Темуру ва ўзликни англаш" мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.** Конференция доирасида "Амир Темуру Европа элчиси нигоҳида" китобининг тақдимоти ўтказилди.

✓ **Олий Мажлис қуйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан "Қандли диабет касаллигининг профилактикаси муаммолари" мавзuida конференция ўтказилди.**

Унда депутатлар мазкур хасталикнинг ижтимоий таъсирини инобатга олиб, ушбу касалликка чалинганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутадиган тегишли ҳужжатлар, дастурлар ишлаб чиқиши лозимлигини таъкидлашди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги миллий қонунчилик ҳужжатлари билан кенг оммани энг мақбул тарзда хабардор қилиш имконини яратиш мақсадида 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган ягона электрон базаси ахборот дастури яратилишининг муҳим босқичларини яқунлади.** "LexUZ" ҳуқуқий ахборот-қидириш тизими деб номланган мазкур тизим дастури билан Адлия вазирлигининг расмий интернет сайти ва махсус www.lex.uz сайти орқали танишиш мумкин.

✓ **Юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларига навбатдаги қақирув тўғрисида"ги қарори асосида ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари бошлаб юборилди.**

Яқинда Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлажак аскарларнинг биринчи гуруҳини армияга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2008 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.



ЧОРАК ЯҚУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида ва ушбу йиғилиш баёнида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2008 йилнинг биринчи чораги яқунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг аҳоли, республикада муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясини ташкил қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Хисобот даврида соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналарда модернизациялаш жараёни давом эттириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали экспорт имкониятларини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизмат турларини кўпайтириш ва ривожлантириш, молиявий ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида амалий ишлар олиб борилди.

2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича жами 283,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 154,6 фоизни ташкил этди.

Экспорт режаси 116,4 фоизга бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 51,9 миллиард сўмлик (39,3 миллион АҚШ доллари) тўғривдан-тўғри жалб қилинган чет эл сармоялари

ўзлаштирилиб, бу борадаги режа 108,1 фоизга уддаланди.

Йиғилишда вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини янада чуқурлаштириш, интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ жойларида замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш, электрон ҳужжат айланишини кенг йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Комплекс таркибидagi идораларда Ёшлар йили ва бошқа устувор Давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини кучайтириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

НАМКORLIK UFQLARI

Дехли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг ахборот технологиялари йўналишидаги ишчи гуруҳи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон-Ҳиндистон: Ахборот технологиялари бўйича ҳамкорлик

Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ҳиндистон Республикаси алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги мутахассислари, шунингдек икки мамлакатнинг ушбу соҳада фаолият юритаётган етакчи компаниялари вакиллари ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этишди. Ҳукуматлараро комиссиянинг 2007 йил Тошкентда бўлиб ўтган 7-мажлисида қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек жорий йилда ўтказилиши режалаштирилаётган навбатдаги мажлис кун тартибига киритиш учун амалий тақлифлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш жоизки, ахборот технологиялари бугунги кунда мамлакатларимиз ҳамкорлиги қўламини да салмоқли ўринни эгаллаб бораёпти. Ҳар йили Ҳиндистон ҳукумати грантлари асосида Ўзбекистонлик 120 нафар мутахассис Дехлида ҳамда ушбу мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ахборот технологиялари курсларида ўқиб қайтишяпти. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Жаваҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказида 2006 йилдан буён беш юздан ортиқ мутахассис таҳсил олди. Уларга

Ҳиндистоннинг нуфузли CDAC компанияси халқаро сертификатлари топширилди.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг ўзаро мулоқотлари чоғида Ўзбекистон делегацияси томонидан ахборот дастурлари муҳандислари, хусусан, Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказини битириб чиқаётган ёш мутахассисларнинг Ҳиндистондаги етакчи компанияларда малака оширишини ташкил этиш, шунингдек, бу йўналишда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз делегациясининг бир гуруҳ аъзолари Ҳайдаробод шаҳрида ташкил этилган "India Soft" ("Hindiston Soft-2008") халқаро кўргазмаси ва шу мавзудаги конференцияда иштирок этишди.

— Мазкур тадбирлар доирасида Ҳиндистоннинг бир неча етакчи компаниялари билан музокаралар олиб бордик, — дейди Тошкентдаги "Intelligence Solyushns" компанияси лойиҳалар бўйича менежери Икром Алимов. — Банк ва улгуржи савдо соҳалари учун янги илғор ахборот дастурларини биргаликда ишлаб чиқишга келишиб олингани мазкур мулоқотларимизнинг самараларидан бўлди.

ЭРИ калитларини рўйхатга олувчи илк нодавлат марказ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитларини рўйхатга олиш марказларини расмийлаштириш идораси томонидан «Multisoft Solutions» хусусий корхонасига Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома берилди.

Шу тарзда «Multisoft Solutions» ХК ЭРИ калитларини рўйхатга олувчи илк нодавлат марказга айланди.

ЭРИ калитларини рўйхатга олиш Маркази тақдим этган маълумотларга кўра, «Multisoft Solutions» хусусий корхонаси электрон рақамли имзо воситалари қўлланилиши зарур бўлган ахборот тизимларида амалдаги қонунчиликка мувофиқ электрон тижоратни жорий этиш ва янада ривожлантириш борасида фаолият юритишни мақсад қилиб олган.

Маълумот учун: бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида иккита ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази (Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Давлат солиқ кўмитаси қошида) фаолият юритмоқда. Улар томонидан берилган ЭРИ калитлари ва калитлар сертификатлари 12868тани ташкил этмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги матбуот хизмати

2008-YIL — YOSHLAR YILI

РЕЖА АМАЛДА

“Ёшлар йили Давлат дастури”ни Пушкин номидаги Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона марказида амалга ошириш учун махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, мутахассис-ходимлардан иборат ишчи гуруҳи тузилган.

АКМда мавжуд барча бўлим ва секторлар қошида “Ёшлар бизнинг келажакимиз”, “Ёшлар ва замон”, “Замонамизнинг илғор ёшлари”, “Келажак — ёшлар қўлида” мавзуларида доимий кўргазмалар ташкил этилиб, янги материаллар билан бойитиб борилмоқда. Шунингдек, ҳамкорлик ишлари янада кўпроқ аҳамият берилиб, турли мавзуларда тадбирлар уюштирилипти. Жумладан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамда ахборот-кутубхона маркази ходимлари томонидан 3 апрел куни “Ёшларни соғлом фикр юритишга ўргатиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида СамДУ қошидаги 1 ва 2-сонли академик лицей талабалари қатнашишди. Унга “Камолот”нинг “Ёш аёллар, оила ва саломатлик бўлими” мудирини З.Ҳақимова, вилоят “Оила” илмий-амалий маркази директори К.Аҳмедова, “Билим-орзу” ўқув маркази раҳбари Х.Маҳмамовлар таклиф этилди. Уларнинг “Ёшларни соғлом фикр юритишга ўргатиш”, “Оила муаммолари”, “Ёшларни ҳунар ва билим олишга ўргатиш” мавзулардаги чиқишлари тингланди.

“Ёшлар йили Давлат дастури”ни АКМда бажариш бўйича тадбирлар режасига киритилган “Ўз тарихимизни ўрганишимиз” мавзусида ўлкашуносликка доир махсус адабиётларни электрон каталог варианты ёрдамида китобхонларга тавсия этиш усули намойиши ўтказилди. Унда Самарқанд шаҳридаги 8 ва 34-ўрта мактаб ўқувчилари қатнашиб, ахборот-кутубхона марказининг китобхонларга янги услубда хизмат кўрсатиш жараёнлари билан танишишди.

Электрон каталогга киритилган асосий адабиётлар маҳаллий шoir ва ёзувчиларимиз қаламига мансуб бўлган асарлардан ташкил топган. Шунингдек, Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар ҳамда шахслар ҳаётига оид китоблар ҳам жой олган. Бу, албатта, ёш китобхонлар қизиқишини ошириш билан бирга вақтнинг тежалишига ҳам ёрдам беради.

Маҳбуба КУЛОВА,
ахборот-кутубхона маркази бўлим бошлиғи

RAYNET компанияси янги хизмат турларининг жорий этилиши муносабати билан матбуот анжумани ўтказди.



RAYNET да
Янги хизматлар

Ҳозирда республикаимиз бўйлаб 8000дан ортиқ шахобчаларига эга бўлган RAYNET компанияси қатор янги хизмат турларини аҳолига тақдим этмоқда. Биринчи янгилик — бу мобил алоқаси хизматидан фойдаланиш истагида бўлганлар учун қулайлик яратади. Энди “МТС-Ўзбекистон” ҳамда “Коском” алоқа операторларига компания офисига бормасдан туриб, яқин-атрофда жойлашган RAYNET шахобчасида улашни мумкин. МТС тизимига абонентларни улаш тўлалигича он-лайн тизимида олиб борилади ва янги миқозлар телефон рақамини танлашда кенгрок имкониятга эга бўлади. Ҳозирча бу хизмат тури Тошкент шаҳрида жорий этилди. Тез орада вилоятларда ҳам унинг татбиқ этилиши режалаштирилмоқда.

RAYNET компанияси, шунингдек, электрон тўлов тизимида янги хизмат турини тақдим этишни бошламоқда. Эндиликда Тошкент, Фаргона, Қўқон ва Наманган шаҳарлари аҳолиси RAYNET шахобчалари орқали табиий газ тўловларини амалга оширишлари мумкин. Ушбу хизмат тури “Ўзтрансгаз” компанияси билан ҳамкорликда 2007 йилнинг ўрталаридан бошлаб Фаргона вилоятининг Фурқат туманида синовдан ўтказилди. Синов ишлари ўз


самарасини кўрсатганидан сўнг, юқорида санаб ўтилган шаҳарларда ушбу хизматни жорий этиш бўйича шартномалар имзоланди.

Тошкент шаҳрида RAYNET орқали электр қуввати учун тўловларни амалга ошириш ўтган йили йўлга қўйилган. Бу хизмат қўламини ҳам энди кенгаймоқда. Навоий вилояти ва Нукус шаҳри аҳолиси бундан буён электр қуввати учун тўловларни RAYNET шахобчаларида амалга ошириш имконига эга бўлди.

Ушбу хизматлардан фойдаланиш учун ҳар бир миқозда RAYNET компаниясининг ID (идентификацион) карталари бўлиши лозим. Агар сизда бундай карточка мавжуд бўлмаса, уни RAYNET шахобчаларининг биридан олишингиз мумкин. RAYNET ID карталари бепул рўйхатдан ўтказилади ва тарқатилади. Матбуот анжуманида мазкур ID карталар соҳиблари ўртасида янги акция ўтказилиши ҳам айтиб ўтилди. Қимматбахо совғалар қўйилган ушбу акция 10 апрелдан 10 июнгача ўтказилади. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумот www.raynet.uz веб-саҳифасида келтирилган.

Лутфилло Тўрсунов

DASTURIY MAHSULOTLAR



Воою Linux амалиётлар тизими Fedora Core Linux ядроси асосида қурилган бўлиб, Корея Республикасининг стандарт тизими ҳисобланади. Бу ядро асосида Жанубий Корея Республикасида ўнга яқин очик кодли тизимлар яратилган. Улар ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда, таълим ва маданият соҳаларида қўлланилиб келинмоқда.

Ушбу амалиётлар тизим ядроси асосида Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Ўзбекистон-Корея ахборот техно-

логиялари марказида Uz Vooyo амалиётлар тизими маҳаллийлаштирилди. Uz Vooyo тизими келажакда асосан таълим соҳасида қўлланилиши режалаштирилган боис ўзбек-лотин ёзувида тайёрланди.

Uz Vooyo амалиётлар тизимининг график ва консолли муҳити ўзбек тилига таржима қилингани фойдаланувчилар учун кенг қулайликлар яратади. Биринчидан, график муҳит очик кодли амалиётлар тизимининг бошланғич фойдаланувчилари учун ўрганишни қулайлаштириши билан бирга, кўпгина имко-

ниятлар ҳам яратади. Иккинчидан, график муҳитдан визуал фойдаланиш фойдаланувчининг жараёнлар устидаги амалларини яққол кўрсатиб туради, яъни фойдаланувчи график муҳитда нима иш қилаётганини тушуниб туради. Бу эса фойдаланувчининг билим ва кўникмаларини ошириб боради.

Келажакда Uz Vooyo амалиётлар тизими таълим соҳасида қўлланилишини ҳисобга олинганини юқорида айтиб ўтдик. Маълумки, ҳар бир ўқув хонасида икки ва ундан ортиқ компьютер бўлади. Бу эса тармоқда ишлашга алоҳида аҳамият қаратишни талаб қилади. Шулар ҳисобга олинган ҳолда Uz Vooyo амалиётлар тизимининг тармоқда ишлаш жараёнлари ҳам ўзбек тилида амалга оширилиши таъминланган. Ўқувчи ва талабалар томонидан бажарилган ишлар тармоқ орқали топширилади. Бу ўз навбатида, ўқитувчи учун кенг қулайликлар яратади, яъни марказлашган бошқарув асосида ҳамма компьютерлар бир жойдан бошқарилиб, ўқувчи ва талабаларни баҳолаш мезонларини янада тақомиллаштирилади ҳамда энгилликлар яратади. Ўқувчи ва талабаларнинг Uz Vooyo амалиётлар тизими-

да ишлашини осонлаштириш мақсадида график муҳит ёрдамида файл ва каталоглар яратилиш босқичи ҳам тўлиқ ўзбек тилида тайёрланган.

Консолли муҳитга тўхталадиган бўлсак, аввало, унинг нима эканлигини аниқлаб олишимиз керак. Ушбу муҳит кўпроқ DOS амалиётлар тизимини эслатиб, “қора экран” орқали буйруқлар билан ишлашни амалга оширади. Маълумки, очик кодли тизимлар асосан буйруқлар билан ишлаши жиҳатидан бошқа амалиёт тизимларидан устундир, шунинг учун консолли муҳитни ҳам ўзбек тилига таржима қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Мисол қилиб оладиган бўлсак, консолли муҳитдаги ёрдамчи — help буйруғи ўзбек тилида келтирилган бўлиб, ўқувчи учун буйруқларни қўшимча ёрдамчи буйруқ орқали ўрганиш имкониятини яратади.

Uz Vooyo амалиётлар тизими фойдаланувчи учун зарур бўладиган кўплаб ўзбек тилидаги дастурларга ва имкониятларга эга. Бунга ушбу дастурда ишлаш жараёнида тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Дилшод РАҲМАТОВ,
Uz Vooyo дастурчиси

TATU: Йиллар, воқеалар...

- Тошкент электротехника алоқа институти 1955 йил 28 июнда ташкил топган.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида" - ги фармони билан Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ги қарорига асосан университет АКТ соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси деб белгиланди.
- Мазкур қарорга мувофиқ университетнинг 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч минтақавий филиаллари ташкил этилди.
- 2005 йили университет ташкил этилганлигининг 50 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига табрик хати йўллади. Университетнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланди.
- Ҳозирги кунда университетнинг 402 нафар профессор-ўқитувчиси 5639 нафар бакалавр ҳамда 458 нафар магистрга таълим-тарбия бермоқда.
- Университетда Жаҳоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамда "Интернет Плаза" Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари марказлари ишлаб турибди.
- TATU қошида Мирзо Улуғбек академик лицейи ва 2-сонли академик лицей фаолият кўрсатмоқда.
- Университетнинг Бўстонлик тумани Хондайлик қишлоғи ва Чиноз туманидаги Сирдарё соҳилида жойлашган дам олиш масканлари бор. Унда талабалар, ўқитувчилар ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ҳордиқ чикаришлари мумкин.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.

Ислом КАРИМОВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Келажақ ёшларники. Улар эртанги кунимиз бунёдкорлари. Бугун улар учун яратилаётган имкониятлар, гамхўрликлар эртага ўзининг ширин меваларини бериши аниқ. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, Тошкент ахборот технологиялари университетиде амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, мунтазам ўтказилаётган халқаро конференциялар, семинарлар, адабий ва бадий кечалар, учрашувлар ёшларнинг камолотида хизмат қилмоқда.

Ўтган йили университет ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. TATU Юртбошимизнинг 2005 йил, 2 июндаги қарорига мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган таянч олий ўқув юрти деб белгиланган эди. Ана шу қарордан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш ҳамда талаба ва ўқитувчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида ўтган йили Ахборот технологиялари факултетининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур ўқув биносининг очилиш маросимида Халқаро электралоқа иттифоқи Бош хотиби Ҳамдун Туре ва МДХ давлатларидан бир гуруҳ нуфузли меҳмонлар қатнашишди. Меҳмонлар республикамизда АКТни ривожлантиришга, хусусан, бу йўналишда кадрлар тайёрлаш ишларига юқори баҳо беришди. Бугунги кунда Ахборот технологиялари факултетиде 11та компютер синфи талабалар ихтиёрига топширилган. Ўзбекистон-Ҳиндистон ва Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари марказлари ҳам талабаларнинг кўшимча билим олишлари йўлида хизмат қилмоқда. Ушбу марказларнинг энг замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ўқув хоналарида хорижий мутахассислар иштирокиде ўтказилаётган машғулотлар кўплаб ёшларни ўзига жалб қилаётир. Ўқув курсларини муваффақиятли битирганларга халқаро сертификатлар топширилмоқда. Бундан ташқари, алоқа ва ахборотлаштириш йўналишидаги етакчи компаниялар томонидан ташкил этилган ўқув лабораториялари ҳам назарий билимни амалиётда синаб кўриш учун талабаларга катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Университет раҳбарияти талабалар тураржойларида истиқомат қилаётган ёшларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиши учун барча зарур шароитларни яратишни энг муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. Олий ўқув юртида 2003 йил бошидан "Талабалар тураржойида ўзини-ўзи бошқариш Низоми" асосида иш олиб борилмоқда. Бу тамойил талабани мустақил фикрлаш ва бошқаришга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур илм даргоҳининг маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида "Маънавият ва маърифат" кенгаши бошчилигида "TATU талабалари учун маънавият клубларини ташкил этиш", "Талабалар тураржойида навбатчилик қилиш", "Та-

лабалар шаҳарчаси ҳокими", "Талабалар тураржойида энг намунали қават, энг намунали ўғил болалар хонаси, энг намунали қиз болалар хонаси танловларини ўтказиш", "Талабалар тураржойига жойлаштириш" Низомлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ва ушбу Низомларга асосан иш юритилмоқда.

Университет талабалар тураржойида

мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

– Ўзини-ўзи бошқарув жараёни кўп қирралидир, – дейди биз билан суҳбатда TATU маънавият ва тарғибот ишлари бўйича проректори Н. Мўминов. – Масалан, университетнинг ҳар бир факултетиде деканлар раҳбарлигида "Маънавият ва маърифат" кенгаши тузилган бўлиб, Кенгаш ишида "Камолот" ёшлар

Келажакимиз



● TATU «Маънавият ва маърифат» хонаси ёшлар билан гавжум

асосий бинодан иборат бўлиб, унда 660 талаба истиқомат қилади. 36 нафар фаол талаба ишлаб маош олади. Шунингдек, бу ерда компютер синфи ҳам ташкил этилган бўлиб, ундаги 28та компютер интернет тармоғига ulangан. Кутубхона, саратрошхона, "Маънавият ва маърифат" хонаси ишлаб турибди. Талабалар тураржойи фойеси ва қаватларида талабалар дам олиш хоналари учун телевизорлар қўйилган. Уларни кўргани келган ота-оналар учун эса махсус хоналар мавжуд.

Бу ерда истиқомат қилувчи талабаларнинг спорт билан шуғуланишлари учун ҳам шарт-шароит яратиб берилган. Улар ички ва ташқи спорт ҳамда дам олиш майдончасида спортнинг исталган тури билан шуғуланишлари мумкин. Тураржойнинг биринчи қаватидаги даволаш муолажалари олишга мўлжалланган профилактория ҳам ёшлар хизматида. Шунингдек, талабаларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида университетде "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ташаббуси билан мини-футбол бўйича

ижтимоий ҳаракати аъзолари, иқтидорли талабалар, гуруҳ сардорлари, мураббийларнинг фаол иштирок этишлари йўлга қўйилган. Кенгашда факултетдаги ўқиб масалалари, муаммоларни таҳлил этиш, жумладан, интизом, ўзлаштириш, талабалар тураржойидаги аҳвол, кам таъминланган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантириш, хусусий хонадонларда истиқомат қилувчи талабалар шароити билан танишиш, олимпиадалар ва спорт мусобақаларида қатнашиш, заковат ўйинларини ўтказиш, турли тўғарак ишларини ташкил этиш, хорижий мамлакатларга бўладиган сафарларга танловлар ҳамда ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш ва шу каби масалалар кўриб чиқилади. Талабалар тураржойида эса ҳар бир қават сардори ва навбатчиларни маош тўлайдиган тарзда хизматга жалб қилиш ва шу тариха ички тартиб, мулклар сақланиши бўйича тўлиқ жавобгарлик, масъулият тўғрисида ишга сола билиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Университет "Камолот" етакчиси Хуршид Бобомуродов, талабалар турар-

2003 йили университет Талабалар уйи Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртли маънавият ва маърифат хоналари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда фахрли биринчи ўринни эгаллади.



● Талабалар тураржойида барча шароитлар муҳайё

2008

йил —
Эчилар
йили

Ўзбекистон ҳақиқатан улкан имкониятлар мамлакати эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ривожига, бу борада ёшларга берилаётган эътибор ҳавасимни келтирди.

Ҳамадун Туре, Халқаро электралоқа иттифоқи Бош котиби

бунёдкорлари

жойи ҳокими Акбар Тоиров, тураржой қизлар кенгаши раисаси Латофат Дўстоваларнинг айтишларича, талабалар яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишаётган экан. Агарда мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатлари содир этилса, дарҳол Талабалар кенгаши раислари, масъуллар томонидан тартиббузарга тегишли чора кўриларкан. Тураржой атрофи, умуман, университет ҳудудида турли манзарали дарак ва гул кўчатлари ўтқозиш, парваришlash ишлари яхши йўлга қўйилган. Талабалар уйи ёнида "Қамолот боғи" барпо этилган.

ТАТУда "Ўзбектелеком" АҚ ҳомийлигида талабалар тураржойида истиқомат қилувчиларга бепул тушлик берилади. Овқатнинг сифати касабаяушмаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, талабалар тураржойи ҳокимлиги ва декан ўринбосарлари томонидан назорат қилиб борилади. Дарвоқе, 2007 йили талабалар тураржойи ёнгинасида 600 ўринли ошона қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда яратилган шароит ва қулайликларнинг барча талабларга жавоб бериши боис нуфузли "Универсиада-2007" мусобақаларининг 584 нафар иштирокчиси мазкур талабалар уйига жойлаштирилиб, уларнинг янги ошонада овқатланишлари ташкил этилди.

Шу кунларда талабалар учун қўшимча тураржой ташкил қилиш мақсадида университетга яқин иккита бинода таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш ишлари тугагач, яна 613 нафар талабани тураржой билан таъминлаш имкони юзага келади. Шунингдек, спорт менежи қурилиши ҳам режалаштирилган. Бу ёшлар йилида университет ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги ҳомий ташкилот, корхоналарнинг ёшлар учун ажойиб совғаси бўлади.

Албатта, бу каби қулайлик ва имкониятларга жавобан талабаларнинг дарсларни ўзлаштиришлари, жамоат ишларида фаолликлари қандай бўлмоқда, деган ҳақли савол тугилади. Университетда иқтидорли, ҳулқи ва одоби билан тенгқурларига ибрат бўладиган талабалар бисёр. Келинг, шу ўринда биргина 2007-2008 ўқув йилида Давлат ва турли нуфузли ташкилотларнинг стипендияларига сазовор бўлган айрим иқтидорли талабалар ҳақида сўз юритсак. Ана шундайлардан бири — Умид Ниёзов. Утган йили у Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига сазовор бўлди. Умид Телекоммуникация технологиялари факултетида ўқиш билан бирга илмий раҳбари доцент Рустам Абдурахмонов кўмагида "Телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва трафикани бошқарув механизми" мавзуида илмий изланиш олиб бормоқда. Илмий мақолалари билан республикаимз матбуотида, шунингдек, интернет орқали хориж нашрларида фаол қатнашиб келади. Инглиз тилини пухта билиши, корейс ва рус тилларини яхши ўзлаштиргани мақолаларини инглиз тилида эркин ёзишига имкон беради.

лаларим билан қатнашишга ҳам муваффақ бўлдим. Ахборот-ресурс марказимиз китобларга жуда бой. Бадий асарларга қизиқишим кучли. Электрон кутубхонамиздан исталган китобни топиш мумкин. Яратилган имкониятлардан хурсандман.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стипендияси соҳибаси



Умид НИЁЗОВ



● Ахборот технологиялари факултетининг янги биноси

Интернет энг яқин кўмакчимга айланган, — дейди Умид. — Усиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Керакли маълумотларни ана шу беиннат ёрдამчим орқали оламан. Келажакда ўқилимини Корейдаги ахборот технологияларига ихтисослашган олий ўқув юртларидан биридаги ма-

Юлия Кабанова алоқачилар оиласида катта бўлган. Шу сабабли ҳам ота-онаси ишини давом эттиришга аҳд қилган. Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факултети 4-босқич талабаси Юлия фанлардан аъло баҳо-ларга ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

— Ҳали билганларимдан билмаганларим кўп, — дейди Телекоммуникация технологиялари факултети талабаси "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармаларининг иқтидорли талабалар стипендияси ғолиби Бобур Шомақсудов. — Турли марказларда ўқиб, сертификатларга эга бўлдим, кўплаб танловлар совриндориман. "IP/MPLS", "Wi-Fi", "Wimax", "DWDM", "GEPON" каби янги технологияларни мукамал ўзлаштириш ниятидаман.

Олдига ана шундай мақсадни қўйган Бобур илмий раҳбари Рустам Жўраев бошчилигида астойдил ўқиб, изланаяпти. У инглиз тилини ўрганишга жиддий киришган. Бобур "Тил ўрганмай туриб, соҳанинг етук мутахассиси бўлиш кийин" деб ҳисоблайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ТАТУда иқтидорли, истеъдодли ёшлар кўп. Бунга мисол тариқасида Беруний номидаги давлат стипендияси соҳибни Қудратбек Ҳосилов, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармалари стипендиати Маҳфуза Йўлдошева, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти стипендияси совриндори Дилором Нуриддинов сингари кўплаб талабалар номларини келтириш мумкин. Албатта, юқори эътибор, устозлар кўмаги, ҳукуматимизнинг қатъий қўллаб-қувватлаши туйғайли юртимиз илм бўстонида ана шундай истеъдодлар камол топаёттир. Иқтидорлиларнинг йўли ҳамisha порлоқ бўлсин, дея эзгу ният қиламиз...

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ



Нодир КОДИРОВ ва Аброр АБДУВАЛИЕВ



Дилором ПАРДАЕВА ва Юлия КАБАНОВА



Бобур ШОМАҚСУДОВ

Ҳикмат

Вақтинг қўлдан кетмасдан кўп хунарни билиб ол, Ёшлик бекор ўтмасдан элга хизмат қилиб қол.

РАЦИОНАЛИЗАТОРСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ

В развитии сферы связи, оказании образцовых услуг связи населению, большое значение имеют рационализаторские предложения, вносимые со стороны работников отрасли. Одним из этих рационализаторских предложений является работа, выполненная специалистами Центра научно-технических и маркетинговых исследований – директором М.Махмудовым, профессором М.Мухитдиновым, начальником научно-исследовательского отдела программных продуктов Р.Сайфулиным «Система сбора кадастровой информации объектов связи «Кадастр ОС».

В беседе с нашим корреспондентом один из авторов рационализаторского предложения, доктор технических наук, профессор Мухсин Муминович Мухитдинов говоря о значении этого предложения, о возможном эффекте в повышении эффективности сферы связи, в том числе заявил следующее:

Кадастровая система объектов связи

— Эффективное управление экономическими ресурсами страны предполагает наличие определенной системы учета и мониторинга.



В связи с этим задача создания системы управления различными ресурсами, адекватной той ситуации, которая складывается в рыночных экономических условиях, является одной из важных задач в сфере управления ресурсами.

Сбор различных сведений об экономических ресурсах и их систематизация образует кадастровую систему страны.

Согласно Закону «О государственных кадастрах», государственный кадастр объектов связи является составной частью Единой системы государственных кадастров и представляет собой систему обновляемых сведений и документов о географическом положении, правовом статусе, количественных, качественных характеристиках и оценке конкретного вида природного, хозяйственного или другого объекта, в отношении которого ведется государственный кадастр. Целью Закона «О Государственных кадастрах» является регулирование отношений в области ведения государственных кадастров, сбора и использования кадастровой информации. Всего в системе 20 государственных кадастров, в том числе и Государственный кадастр объектов связи.

В современных условиях эффективное управление ресурсами невозможно представить без использования компьютерных технологий.

Реализуя на практике решения задач по структуризации, систематизации и осуществления работ сбора и обработки информации по кадастровым объектам связи в Центре научно-технических и маркетинговых исследований разработана система по обработке информации «Кадастр ОС», состоящая из базы данных и программного обеспечения по её формированию. Объектом автоматизации является процесс сбора и предоставления кадастровой информации в Службу ГКОС. Система внедрена и используется Кадастровой службой ГКОС. Процесс формирования базы данных производится одновременно с нескольких клиентских рабочих мест. Это позволяет наиболее эффективно использовать парк компьютеров Службы ГКОС. Наличие справочных таблиц и таблиц классификаторов общегосударственных кодов отраслей народного хозяйства, форм собственности территориальных кодов позволяет корректно применять эту информацию при вводе общих регистрационных данных.

Система сбора и обработки кадастровой информации зарегистрирована в Государственном патентном ведомстве республики Узбекистан. Получено авторское свидетельство № DGU 01225. В 2007 году на конкурсе изобретательств и рационализаторских предложений ежегодно проводимом в сфере связи и информатизации, данная система заняла второе место с присуждением диплома 2-степени.


Уже в процессе формирования и заполнения данных, система позволяет получать различные отчетные и аналитические материалы, которые служат для контроля процесса формирования базы данных.

Для получения отчетов служит отдельный модуль системы, с помощью которого можно автоматически генерировать электронные отчеты и получать диаграммы по основным показателям

объектов необходимые для контроля формирования данных, анализа и исследований представленных показателей. С помощью системы получена разнообразная аналитическая информация по балансовой стоимости и оценке кадастровых объектов, как по отделениям связи, так и по каждому районному узлу и филиалу в целом, провести сравнения рентабельности и количественного состава работников. Так же получены материалы по сравнению состояния обеспеченности объектов связи различными техническими и транспортными средствами.

Анализируя полученную информацию можно делать соответствующие выводы, как о состоянии формирования самой базы данных, так и о состоянии кадастровых объектов связи по различным показателям.

Учитывая то, что в нашей стране кадастр земель и другой недвижимости, также как и в других странах ближнего зарубежья, введены не так давно, необходимо заметить, что в проблемах реализации кадастров много дискуссионных и неразрешенных вопросов. В процессе разработки системы сбора и обработки кадастровой информации, разработчики системы также столкнулись с определенными трудностями. Но, не смотря на возникающие проблемы, сам факт разработки и внедрения этой системы, позволил на основании представленных данных провести мониторинг, как количественного, так и качественного состава представленных показателей, а также проконтролировать сам процесс формирования базы данных кадастровых объектов связи, накопить опыт работы в этом направлении и провести исследование предоставляемых данных.




Принимая во внимание предложения рынка производства программных продуктов (разработка баз данных, программного обеспечения и сайтов), где стоимость таких предложений в среднем составляют от 6 до 8 млн. сум - экономический эффект от разработки и внедрения данной системы составил около 4,0 млн сум.

В целом система представляет собой электронную кадастровую книгу, имеющую уже несколько тысяч записей в своей базе данных.

В перспективе система послужит основой для создания географической информационной системы кадастровых объектов связи.

Беседу вела
Муборак МИРКАМОЛОВА


НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ



Дэвид Бекхэм получил в подарок золотой iPod

В память об участии в сотой игре за национальную сборную по футболу коллеги по команде подарили Дэвиду Бекхэму персонализированный золотой плеер iPod с объемом памяти 32 Гб. Стоимость этого гаджета составила около 600 английских фунтов. Свою сотую игру Бекхэм провел на прошлой неделе в Париже в матче со сборной Франции, где англичане потерпели поражение со счетом 1:0.

NATO запустило собственный интернет-телеканал



NATO запустило в среду собственный интернет-телеканал - natochannel.tv. Он доступен для просмотра на сайте Альянса. Как сообщил официальный представитель НАТО Джеймс Аппатарай, на первых порах на интернет-телеканале любой желающий сможет просмотреть до десяти сюжетов в неделю, посвященных миротворческой операции Альянса в Афганистане.

При финансовой поддержке правительства Дании делать репортажи и снимать видео-сюжеты о ситуации в Афганистане и деятельности миротворческих сил содействия безопасности в этой стране - ISAF - будут пять съёмочных групп.

Журналисты при помощи пароля смогут скачивать сюжеты с natochannel.tv с целью последующего их использования в своих СМИ. Кроме того, на сайте телеканала NATO будет открыта рубрика «блоги».

АФОРИЗМ

Кто честен и порядочен во всем,
Тому добро оплатится добром.

Алишер НАВОИ

Хабар + TV

ДУШАНБА — 14 АПРЕЛ




«Обзорная» телерадиоканали.
5:56 Курстугилар дастури.
6:00 Ассолон. Узбекистон.
7:00 «Сарой жасоари». Т/с.
7:35 «Мен бир ривоят».
7:40 «Дилчи новолар».
8:00-8:45 «Тавлинома».
8:45 «Отин мерос».
9:55 «Дингилдан тоин».
9:25 «Отин буйаб» дастури.
-Муҳаддис қадимқоилар.
-Болалар сайраси.
9:55 «Болалар дуниси».
10:15 «Кўк оёқдан ва мушук». М/с.
10:40 «Одман эрса».
11:00 «Айборт».
11:10 «Ватанлар».
12:00 «Ассолон. Узбекистон».
13:00 «Отлар оғзи — аквинег қўян» хаёлиқидан.
13:50 «Отин мерос».
14:00 «Айборт».
14:30 «Эзи альбом».
14:25 2008 йил — Ёшлар йили. «Ёшлар суриси».
15:00 «Отин буйаб» дастури.
-Муҳаддис қадимқоилар.
15:25 Жаҳон мусиқиси хаёлиқидан. Дк. Пуньян. «Ватерлей хоним». 1-қисм.
16:35 «Бир юрт».
17:00 «Айборт».
17:15 «Отин мерос».
17:20 «Хайт ва қўян».
-Болалар сайраси.
17:40 «Эрталаб — яшайлика етаклар».
18:00 «Сизнинг адрокитингиз».
18:05 «Итлар».
18:10 «Қайтар дин». Т/с.
18:55 «Уйр мамули».
19:25 19.55 20.55 21.30 Эълонлар.
19:30 «Айборт».
20:05 «ТВ шафқон».
20:10 «Ички ёллар». Т/с.
20:50 «Мен бир ривоят».
21:00 «Айборт».
21:35 «Парламент васти».
21:56 «Ситги қиролана». Т/с.
23:00 «Қўйинимсан, муҳаббат». /SMS/.
23:10 «Викон». Т/с.
23:55 24:00 Тўлиқ наволар.
-Ўзбекча.
24:00 Курстугилар дастури.
00:05 «Отин буйаб» дастури.
-Қадимки ва афсонавий Маргилон.
00:35 «Тасар ва тасоурут».
00:50 «Отин мерос».
01:30 «Айборт». Т/с.
01:30 «Чемпион».
01:50 «Ёшлар суриси».
02:26 «Отлар оғзи — аквинег қўян».
03:15 «Тарағмон».
04:00 «Айборт».
04:30 Эзи альбом.
04:35 «Отин буйаб» дастури.
-Муҳаддис қадимқоилар.
05:00 «Қайтар дин». Д/с.
05:45-05:55 Топети наволар.




15:55 «Ақдоқлар садони».
16:00 «Давр».
16:10 «Шерлок Холмс». Т/с.
17:00 «Отин қорғин».
17:10 «Қандаж эгаларин».
17:20 «Ёшлар ва тўлиқ».
17:35 «Ўзбекча идрокитинлар».
17:45 «Yoshlar-FM».
17:55 «Тошкент — 2000».
18:00 «Қаҳнақинг оқилан».


18:30 «ЎзЕХ хабарларин».
18:35 «Мулик мултон».
18:55 «Шарқ дароздан».
19:00 «Давр».
19:30 «Айин». Т/с.
20:10 «ТВ-бана».
20:20 «Соғам бойлик».
30:40 «Қўлан навоилар».
21:00 «Бала мавдин».
21:10 «Жуман». Т/с.
21:55 «ЎзЕХ хабарларин».
22:00 «Давр».
22:30 «SMS-музика».
23:00 «Хайт-мамот». Т/с.
23:45 «Таскин».



17:55 Мультипликация: «Синбад, Етти дингиз афсонаси». 1-қисм.
18:05 «Телемувир — маркет».
18:25 «Биланс».
18:30 «Поитай айборт дастури».
18:50 «Эмералда». Телесериял.
19:20 «ТВ юрлик».
19:25 «Музика SMS».
19:50 «Саломат бўлинг». Рус/.
20:00 «Поитай айборт дастури (рус)».
20:15 «ТВ юрлик». Рус/.
20:20 «Милорос». Телесериял. Рус/.
20:50 «Итлар».
21:00 «Хайт» айборт дастури.
21:45 «Уйларам».
21:53 «Телемувир — маркет».
22:10 «Айл қабил».
22:30 «Поитай айборт дастури (рус)».
22:45 «Ким SMS со звездан».
23:50 00:40 Ким: «Невероятный».




7:00 «Обзор утро».
8:00 «Талин».
8:25 «Малдож +».
9:30 «Версия».
10:00 Серкил «Талинши дани».
11:30 «Мониторинг».
11:50 Сабокар. Ёшлар ўртасида қиларо турнир.
12:20 12:50 Кураш. Республика турнири.
18:00 «Полонизи».
18:20 «Теп ва теп».
18:30 «Хабарлар» (рус тилида)
18:55 «Музский тайм».
19:20 «Ким негага қилар?»
19:50 «Спортло».
20:00 «Дублби шарни».
20:30 «Бизнес-ревю».
20:40 Баскетбол. Евролига. 1/4 финала.
21:30 «Олимпыкоз».
21:50 «Хабарлар» (уб тилида)
21:50 «Жи мене».
22:40 Футбол. Узбекистон чемпионати.
«Кивилум» — «Курвиги».
30:20 «Туниши оудат бўлини».




04:00, 08:05 Телеканал «Доброе утро»
08:00 11:00, 14:00 Новости
08:25 «Малдож +»
09:25 «Контрольная закупка»
10:00 Серкил «Убойная сила»
11:15 «Малый прегосор»
12:20 «Детский»
13:00 Другие новости
13:25 «Понят. Просты»
14:20 «Лаврентий Берия: Рынок к власти»


15:00 Серкил «Огонь любви»
15:50 «Федеральный судья»
17:00 Вечерние новости
17:20 Жи миеня
18:10 Серкил «Слеп»
19:00 Серкил «Принцесса цирка»
20:00 «Время»
20:30 Серкил «Анти-стоп»
21:25 «Милва с частого листа»
22:25 «Сидропакетия Америка»
23:15 Ночные новости
23:25 Удара оила. «Стремительный шаг»
00:20 Комедия «В три часа ровно»
02:00 «Вояки»
02:30 Худ. фильм «Эффект Ромашкина»



04:00 «Доброе утро, Россия»
07:55 Х/ф «Светлый путь»
09:45 «Вести. Дежурная часть»
10:00, 13:00, 16:00, 19:00 «Вести»
10:25, 13:20 «Местное время. Вести Москва»
10:45 Т/с «Частый детектив»
11:40 Мелодрама «Долгая дорога в дюнах»
13:40 Т/с «Манежа»
14:25 «Оуд қилат».
15:30 Т/с «Кулиги и партнери»
16:30 «Местное время. Вести — Московская область»
16:50 «Вести. Дежурная часть»
17:05 Т/с «Мажанди без прощало»
18:00 Т/с «Родные люди»
19:30 «Местное время. Вести»
19:50 «Спокойная ночь, мальшан»
20:00 Т/с «Две острей»
21:50 «Мой серебряный шар»
22:30 «Вести +»
23:10 «Частый детектив»
23:40 «Синемалар»
00:06 «Дорожный патруль»
00:25 Триллер «На следующее утро»
02:20 Боевик «Многозначный преискусуде».




05:00 «Сегодня утром»
08:00 «Следствие вели...»
09:00 12:00, 15:00, 18:00, 21:40 «Сегодня»
09:20 «Кризисный происшествие»
Обзор на неделю.
09:55 «Кульварный поздравок»
10:55 «Кадриный вопрос»
12:35 Т/с «Адвокат»
14:30, 17:30 «Кризисный происшествие. Обзор»
15:30 Т/с «Улыбка разбитой фанерей»
18:40 Т/с «Лителый, да»
19:40 Т/с «Морские дьяволы»
22:05 Т/с «Сказка на жизнь»
23:00 «Школа злоловия»
23:55 «Qatlonplot»
00:30 Комедия «Аберисты»
02:20 Т/с «Вероника Марс 2».




07:00 Канал «Евроноос»
10:00, 19:30, 23:30, 30, 30, 23, 30 «Новости культуры»
10:20 «В главной роли...»
10:50 Х/ф «Смена Дилеви»
12:10 Д/ф «Корона. От мечты к собору»
12:25 «Левия жазин»
13:20 «Мой Эриятко»
13:50 Телеинтервью «Игроки»
15:25 «Документальные истории»
16:55 «Парадиз слов».


16:00 М/с «Новые приключения мексиканца Гаддингтона»
16:20 М/ф «Изабелла и Перелет»
16:30 «Анди асери»
17:00 Д/ф «Рембрандт ван Рейн»
17:05 Д/с «Плутствовање в царство мильных»
17:35 «Пленники судьбы»
18:00 Д/ф «Персепол. Жизнь в центре вавилон»
18:15 «Достоиние республикан»
18:30 «БлокНЮТ»
19:00 «Ночной полет»
19:50, 01:40 Д/с «Как создавались мильтрон»
-«Напокон: стальная монстр»
20:40 «Мистика любви»
21:10 Д/ф «Египетские пирамиды»
21:25 «Острова»
22:05 «Тайны забытых побед»
-«Испытание неизвестностью»
22:35 «Тем временем»
23:50 «Про АРТ»
00:20 «Экспонат литературы»
00:45 Д/ф «Хорошо. Бабье счастье»
01:25 Д/ф «Персепол. Жизнь в центре мильтрон»
02:25 «Музыкальный момент».



07:00 Т/с «Зина — королева вояков»
07:55 14:00, 14:30, 15:00, 15:30 М/с
08:00 11:30, 18:00 Т/с «Моя прекрасная няня»
08:30 20:00 Т/с «Палачи дачи»
09:00 «Кто уменя пятнадцатый?»
10:00 19:30, 01:00 История в деталях.
10:30, 22:00 Т/с «Кто в доме хозяйка?»
11:00, 17:30 Т/с «Галлею»
12:30 Т/с «Одна ночь любви»
13:30 Т/с «Люби, дити и завид»
16:00 «Чокуйты»
16:30 «Ким Гильс-с-глоссион»
17:00 Т/с «Сабрига — маленькая ведьма»
18:30 Т/с «Тайны Сицилия»
21:00 Т/с «Ремонт»
22:30 Х/ф «Кул-заповедель»
00:20 «Б каров»
01:30 «Слова богу, ты приходи!»
02:45 Комедия «Кортежа эржан».



07:00, 09:15 М/ф.
07:45, 08:15, 08:45 М/с
10:00, 16:00 Т/с «Барфи — истребительница вампиров»
11:00 Х/ф «Проаказишан»
13:00 Д/ф «Разрушители мифов»
14:00, 18:00 Т/с «Звездные врата»
15:00 Д/ф «Секретные сестры Терешковичи»
17:00 «Укс»
19:00, 00:20 Т/с «За гранью возможного»
20:00 Т/с «Медум»
21:00 Д/ф «Тайные знаки. Семь смертей Александра II»
22:00 Х/ф «Человек-змея»
01:00 Х/ф «Проклятые 7».



05:00 Т/с «Любовь и тайны Санкт-Бен»
05:55 «Глобальные новости»
06:00 12:30, 17:00, 18:00, 18:00, Тасан
06:30, 10:00, 10:30, 11:00, 11:30, 12:00 М/с
07:00, 18:30 Москва: истре, по грим.
07:30 «Необычные, но факт»
08:30 Т/с «Саша-Маша»
09:19, 00 Т/с «Счастливы вместе»
13:00 Т/с
13:30, 20:00, 22:55, 01:05 «Дом 2»
15:10 Комедия «Лавна чудас»
21:00 Комедия «Удун. Част»
23:25 Т/с «Саша-Маша»
00:10 Загадки шоу-бизнеса.
02:00 Диние дати 2.
02:50 «Один».

5.55 Курагулар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой хавожори», Т/с
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилшўр наволар».
8.00 & 8.35 «Ахборот».
8.25 «Отти мерос».
8.40 «Кайтар дунё», В/ф.
9.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мукаддас кидамжолар».
-Боллар сайёраси-
9.50 «Йила, Изла, Топ!»
10.30 «Кўк сиқини ва мушук», М/с.
10.40 «Эзули».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ шифокор».
11.15 «Денгиз ёлғини», Т/с.
11.50 «Ахборот», Интлгис/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Сўнгги киролча», Т/с.
13.55 «Эски альбом».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Отти мерос».
14.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мукаддас кидамжолар».
14.55 Жаҳон мусикаси казинасидан. Дк. Пуччини «Батерфлей хоним». 2-қисм.
15.00 «Ўзбекистон табиқати».
15.25 «ИИБ хабарлари».
16.40 «Дунё мақараларин».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Отти мерос».
17.20 «Ўзбекистон аёли».
-Боллар сайёраси-
17.40 «Эрталаб» - яшилликка етаклар».
17.55 «Худудлар ҳайти».
18.10 «Кайтар дунё», Т/с.
18.55 2008 йил - Ёшлар йили. «Камолот оstonаси».
19.15 «Оқинлар оғушида».
19.25 10.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот», /рус/.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ наво», Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Сингн мавзу».
21.55 «Сўнгги киролча», Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, мухаббат» /SMS/
23.10 «Видеон», Т/с.
23.45-24.00 Туғни наволар.
«Дўхейтот»
24.00 Қўрагулар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кадимий на арсонани Маргило».
00.55 «Камолот оstonаси».
00.55 «Отти мерос».
01.00 «Ахборот», /рус/.
01.35 «Ёшлар майдон».
02.35 «Рангин дунё».
02.55 «Минг бир ривоят».
03.00 «Ахборот», Интлгис/с.
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истръдъл».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Эски альбом».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мукаддас кидамжолар».
05.00 «Кайтар дунё», Т/с.
05.45-05.55 Тонги наволар.



6.55 «Худудлар салоси».
7.00 «Камининг оғуши».
7.30 «Акс» - Ток шоу.
8.00 «Ёшлар майдон».
9.00 «Камолот».
9.10 «Қадрдон қўшқарлар».
9.20 «Али», Т/с.
10.00 «Давро».
10.10 «Ёшлар ила сайхат».
11.00 «KINOMANIYA».
11.30 «Нафосат олами».
11.40 «Мулки муитоз».

12.00 «Жумон», Т/с.
12.40 «Юзгай».
13.00 «Давро».
13.10 «Батарилавар».
14.00 «Туаро», Т/с.
14.50 «Ёшлар йили».
15.00 «Ёшлар майдон».
16.00 «Давро».
16.10 «Шерлок Холмс», Т/с.
17.00 «Давринг боласи».
17.10 «Боллар бахори».
17.15 «Боллар табасомин».
17.20 «Мультичаюрам».
18.00 «Камининг боласи».
18.30 «UZEХ хабарлари».
18.35 «Мулки муитоз».
18.55 «Тошкент - 2200».
19.00 «Давро».
19.30 «Али», Т/с.
20.15 «Тафаккур чирогин».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Кўкам наволари».
21.00 «Юртим юраги».
21.10 «Жумон», Т/с.
21.55 «UZEХ хабарлари».
22.00 «Давро».
22.30 «Сўйуб» 2008-
23.00 «Кайт-мамонт», Т/с.
23.45 «Таскин».

17.55 Мультифилм: «Синбод. Етти денгиз арзонаси». 2-қисм.
18.05 «Телекўраб» - маркет».
18.25 «Биласимиз?»
18.30 «Полайт» ахборот дастури.
18.50 «Экземпляр», Телесернал.
19.20 «ТВ орон».
19.25 «Муноси SMS».
19.50 «Уюмов»
20.00 «Полайт» ахборот дастури /рус/.
20.15 «ТВ орон» /рус/.
20.20 «Минагор», Телесернал. /рус/.
20.50 «Репортаж».
20.50 «Жойба».
21.30 «Полайт» ахборот дастури.
21.45 «Уйлари».
21.50 «Телекўраб» - маркет».
22.10 «Ostbekefilm» - намоиш этакди: «Кўжари»
22.30 «Полайт» ахборот дастури /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50-00.40 Кино «Наводнение».

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)
8.25 «Малаҳа ++».
9.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
9.50 Сернал «Татынин ден».
11.20 Самбо, Ёшлар тартидаи халқро турнир.
12.10-12.40 Кураш. Республика турнири.
худ.фильм
19.00 PRIME TIME (узб)
21.30 «ПРЕМЬЕРА» (узб)
22.00 Блокбастеры по
выходным: «СОЛДАТ»
худ.фильм
23.50 — 01.30 Другая музыка

Якшанба

07.00, 11.20, 17.00, 19.30, 21.00
Ўзбек наволари
08.30, 18.00 Мирове хити
09.00 Prime time (узб)
09.30 «Солдат» худ. фильм
12.00 «Baby Terra Landiya»
12.30 Мультфильм
14.30 Серил «Жасига
ўхшаш ийк»
17.30 «JannatMakon»
19.00 PRIME TIME (рус)
20.30 «КИНОКУРЬЕР»
21.30 «ПРЕМЬЕРА» (рус)
22.00 Блокбастеры по
выходным.
00.10 Миксер

RTR SPORT**Душанба**

05.45 Футбол «Милан» - «Москва»
07.45, 10.00, 10.10, 13.55, 18.35, 22.30,
01.00 Вестн-спорт
08.00 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм «Нозайка в
Солнечном городе»
08.35 Мультсерил «Малыш Скуби-Ду»
09.00 Зарядка с чемпионом
09.15 Серил «Свои юмори»
09.45 Мастер спорта
10.15 Лыжный спорт. Гонка с
выбыванием
11.55, 14.05, 20.20, 01.25 Стрельба.
Кубок мира
14.30 Пробокс. Александр Нунес -
Карлос Наварро
15.30 Футбол «Динамо» - «Спартак»
17.30, 22.50 Футбол Россия
18.45 Гран-при телеканала «Спорт» по
олимпийскому эстраду
21.10 Дзюдо
22.55 Нидерланди олимпиада
01.10 Футбол с Раджишавом
02.45 Теннис. 1/4 финала. Россия -
Чехия
05.00 Футбол. ЦСКА - «Спартак»
(Намания)

Сешанба

07.00 «Летопиcи спорта». В небесах, на
земли и на море
07.45, 10.00, 14.05, 18.10, 22.25, 00.50
Вестн-спорт
08.00 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм «Нозайка в
Солнечном городе»
08.35 Мультсерил «Малыш Скуби-Ду»
09.00 Зарядка с чемпионом
09.15 Серил «Свои юмори»
09.45 Мастер спорта
10.10 Футбол Россия

11.10, 16.35 Нидерланди олимпиада
12.15 Лыжный спорт. Горный спринт
14.15, 20.15, 01.35 Стрельба. Кубок
мира
14.40 Биатлон. Гран-при Евразии
16.20 Рубина с Раджишавом
17.40, 01.00 Соростийский уикенд
18.25 Баскетбол. Мужчины. «Урал-
Грэйт» - «Локомотив-Ростов»
21.10 Дзюдо
22.45 Футбол. 1/16 финала. «Зенит» -
«Вильярреал»

Чоршанба

Профилактика
11.00 Соростийский уикенд
11.30 Лыжный спорт. Супер-спринт
13.35, 03.05 Стрельба. Кубок мира
14.00, 16.40, 22.10, 00.40 Вестн-спорт
14.10 Биатлон. Гран-при Евразии
16.10 Путь Дракона
16.25 Футбол. Первой дивизион.
«Сибирь» - «Динамо»
18.25 Волейбол. Мужчины. «Ирбис» -
«Урал»
20.50 Дзюдо
22.35 Футбол. 1/8 финала. «Зенит»
(Россия) - «Марсель»
00.55 Футбол. Кубок Испания. Финал.
«Валенсия» - «Атлетико»

Пайшанба

05.45 Футбол «Зенит» - «Крылья
Советов»
07.45, 10.00, 14.00, 17.35, 21.40, 00.30
Вестн-спорт
08.00 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм «Нозайка в
Солнечном городе»
08.35 Мультсерил «Малыш Скуби-Ду»
09.00 Зарядка с чемпионом
09.15 Серил «Свои юмори»
09.45 Мастер спорта

10.10 Путь Дракона
10.40 Фристайл-хоккей
11.40 Лыжный спорт. Спринт
13.35, 16.15, 00.40 Стрельба. Кубок
мира
14.10 Биатлон. Гран-при Евразии
17.05, 00.00 Тонна олимпиада
17.45 Футбол. Кубок Испания. Финал.
«Валенсия» - «Атлетико»
19.55 Баскетбол. Женщины. 1/4 финала
22.00 Футбол. 1/4 финала. «Байер» -
«Зенит» (Россия)
01.35 Баскетбол. Женщины. 1/4 финала

Жума

05.45 Футбол «Динамо» - «Спартак»
07.45, 10.00, 14.00, 18.25, 22.25, 22.45,
00.55 Вестн-спорт
08.00 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм «Нозайка в
Солнечном городе»
08.35 Мультсерил «Малыш Скуби-Ду»
09.00 Зарядка с чемпионом
09.15 Серил «Свои юмори»
09.45 Мастер спорта
10.10 Тонна олимпиада
10.55 Гран-при телеканала «Спорт» по
олимпийскому эстраду
12.30 Лыжный спорт. Гонка в гору
13.35, 01.40 Стрельба. Кубок мира
14.10 Биатлон. Финал
16.45 «Сборная Россия»
17.20 Автопорт. Микрокиробанг серия
«А1»
18.35 Футбол с Раджишавом
18.50, 01.05 Футбол Россия
19.25, 02.05 Волейбол. Женщины.
Финал
21.15 Пробокс. Алексей Соловьев -
Льон Уорнер

22.50 Футбол. 1/4 финала. «Зенит» -
«Байер»

Шанба

05.50 Футбол. Кубок Испания. Финал.
«Валенсия» - «Атлетико»
08.00, 10.00, 10.10, 13.40, 18.40, 22.55,
23.15, 01.30 Вестн-спорт
08.10, 20.55 Волейбол. Женщины. Финал
10.15 «Летопиcи спорта»
10.45 «Самый сильный человек»
12.15 Футбол Россия
12.50, 15.55, 01.40 Стрельба. Кубок мира
13.55, 02.35 Футбол. Перл-да. «Сибирь» -
«Ростов»
16.25 Футбол «Москва» - «Динамо»
18.55 Футбол «Сатурн» - «Зенит»
23.25 Футбол «Фиорентина» - «Палермо»
04.35 Фристайл-хоккей

Якшанба

05.55 Футбол «Фиорентина» - «Галатасарай»
08.00, 10.00, 10.10, 12.40, 17.40, 21.45,
22.05, 02.10 Вестн-спорт
08.10 Волейбол. Женщины. Финал
10.15 Страна олимпиада
10.45 Пробокс. Алексей Соловьев -
Льон Уорнер
11.45 «Сборная Россия». Алексей Климов
12.15, 16.25, 02.20 Стрельба. Кубок мира
12.50 Хоккей. «Кубок Фетисова»
14.55 Гандбол. Женщины. 1/2 финала.
«Ладз» (Россия) - «Хито» (Австралия)
17.55 Гандбол. Женщины. 1/2 финала.
«Зенит» (Россия) - «Двор» (Венгрия)
19.25 Футбол. Журнал Лиги чемпионов
19.55 Баскетбол. Женщины. 1/4 финала
22.10 Футбол. «Рубин» (Казань) -
«Миллер» (Пярна)
00.10 Футбол «Торкун» - «Интер»
03.35 Баскетбол. Женщины. 1/4 финала

рафни ўнг томонга 6 см.га суриш лозим ва натижа куйидагича кўринишда бўлиши керак.


УШБУ АБЗАЦНИ ЭПИГРАФ КЎРИНИШИГА КЕЛТИРИШ КЕРАК, УНДА ҲАРФ ЎЛЧАМИ 6 БЎЛИБ, ШРИФТИ ҚАЛИН, РАНГИ КЎК БЎЛИШИ КЕРАК. БАРЧА ҲАРФЛАР БОСМА, ҚАТОРЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФА – БИР ЯРИМ. ЭПИГРАФ АТРОФИДАГИ ҲОШИЯ – ХУДДИ ШУ РАНГДАГИ ИККИ ҚАТОР ТЎЛҚИНЛИ ЧИЗИҚДАН ИБОРАТ БЎЛСИН. ФОНИ ДЕНГИЗ ТЎЛҚИНИ РАНГИДА БЎЛИШИ КЕРАК; ЮҚОРИ ЧЕГАРА МАТНДАН 6 БЎЛИМ ЮҚОРИРОҚДА, ПАСТКИСИ – МАТНДАН 3 БЎЛИМ ПАСТРОҚДА, ЧАП ВА ЎНГЛАРИ ЭСА УНДАН 4 БЎЛИМ ЧАП ВА ЎНГДА БЎЛИШИ КЕРАК. ЭПИГРАФНИ ЎНГ ТОМОНГА 6 СМ. ГА СУРИШ ЛОЗИМ ВА НАТИЖА КЎРИНИШДА БЎЛИШИ КЕРАК.

3-вазифа.

Таржимаи ҳол ва ариза ҳужжатларининг матнни қоидага мувофиқ киритинг ва таҳрирланг.

Давоми бор.

КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ



Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда «Хабар» газетаси таҳририяти

(Давоми. Аввали газетанинг 9, 13, 14-сонларида.)

4-вазифа. Асбоблар (Инструментлар) панелида бошланғич ҳолатни чиқариб юбориш

1. Ушбу дарснинг 2-топширигидаги 1,2-бўлимни такрорланг.
2. “Сброс панели” буйруғини танланг.
3. “Стандартная” асбоблар панели бошланғич ҳолатига қайтарилди.

5-вазифа. Бош менюнинг буйруқлар кўринишини созлаш

1. “СЕРВИС\Параметры\Вид” буйруғини бажаринг ва “Показывать” майдонида “Строка состояния” бандини байроқча билан ёқинг ёки ўчиринг ва “ОК” тугмасини босинг. Байроқ ҳолатига қараб (ёқиқ/ўчиқ) экраннинг пастки қисмида ҳужжатнинг ҳолат сатри пайдо бўлади ёки ўчирилади.
2. “СЕРВИС\Параметры\Вид” буйруғини бажаринг.

белгиланса, аниқ рақам кетма-кет вергуллар орқали кўрсатилиши керак. Агарда бир нечта бетларни чиқариш керак бўлса, бу чизиқча орқали амалга оширилади (мисол учун, 5-8, бу дегани 5-бетдан 8-бетгача ҳужжат чиқади дегани).

1. “Копия” бўлимида ҳужжат нечта нусхада бўлиши кўрсатиб ўтилади.

Жадваллар яратиш ва уларни тўлдириш

“Word” дастурида жадваллар куйидаги услублар билан яратилади:

1. “Таблица” менюси орқали.
2. “Стандартная” ускуналар панелининг куйидаги тугмалари орқали:

	Жадвал қўшмоқ	Чизиқ ва устунлардан фойдаланиш, жадвал қўшиш.
	Жадвал ва чегаралар	Оддий жадвал чизиш, худди қоғозга қаламда чизгандек.

Жадвал қаторини ёки устунини қўшиш.

1. Маълум қатори олдидан ёки орқасидан янги қатор ёки янги устун яратиш керак бўлса, курсорни жадвалнинг ушбу қаторига ўрнатинг.
2. “Таблица” менюсида “Вставить” бўлимини танланг, сўнгра тегишли буйруқни бажаринг. Жадвал қаторини ёки устунини ўчириш.
 1. Маълум қаторни ёки устунни ўчириш керак

тўлиқ меню орасида алмашиниб кўринг.

2. “Word” дастурининг бош менюси орқали “Рисование” панелини ёқинг, унинг жойлашини ўзгартиринг, динамик панел тузинг ва унинг ўлчамини ўзгартиринг. Асбоблар панелининг контекст менюсидан фойдаланиб “Рисование” панелини ўчиринг.
3. “Стандартная” асбоблар панелига “Найти”, “Надстрочный знак”, “Подстрочный знак” тугмаларини жойлаштиринг.
4. “Стандартная” асбоблар панелини ўчиринг.
5. Куйида ажратиб олинган матнни теринг. Менюлар буйруқларини қўллаб, ҳужжатни “Station” номи билан папкангизга сақланг. Word дастурини ёпинг.

Windows XP учун Word 2003 матн муҳаррири – ҳужжатларни профессионал даражада тайёрлаш учун кучли воситадир, лекин унинг барча функциялари ҳам кўп қўлланилмайди. Word матн муҳаррири кўп сонли махсус вазифаларни бажара олади.

Матнни ўқиш учун қулай бўлган кўринишга келтириш учун одатда учтадан кўп бўлмаган шрифт турлари ишлатилади, шунингдек, сарлавҳа ва матнни ажратиш учун шрифтнинг катталиги ва қиёфаси ўзгартирилади. Ҳужжатнинг расмийлаштирилиши унинг мазмунига тўғри келиши керак.

Ҳужжатларни сақлаш Windows бошқарувидаги бошқа дастурлар сингари амалга оширилади. Ҳужжатлар-

ринг ва қуйидаги амалларни кетма-кет бажаринг:

3. Фақат асосий ва кўп ишлатиладиган буйруқларни кўрсатиш учун уларни байроқча билан белгилаб олиш керак. Менюда охириги ишлатилган буйруқлар тепада жойлашган. "ОК" тугмасини босинг.

4. Менюнинг барча бандларини сичқончани устига олиб келганда кўриш учун "Показывать полные меню после короткой задержки" бандини байроқча билан белгилаб, "ОК" тугмасини босинг. Менюнинг янги кўринишига диққат қилинг.

6-вазифа. Хужжатлар кўламини танлаш.

1. "Вид" менюсида "Обычный режим" буйруғини танланг.

2. Ҳоҳлаган бир нечта белгиларни теринг.

3. Хужжат кўламини 200% даражасида ўрнатинг.

4. Ҳоҳлаган белгиларни теришда давом этинг.

5. "Масштаб" рўйхатини очинг ва рўйхатга 45% ёзинг.

6. "Масштаб" рўйхатини очинг ва "По ширине страницы" буйруғини танланг.

7. Ўзингизга қулай бўлган кўламни ўрнатинг.

7-вазифа. 4-дарс учун умумий вазифа.

1. "Пуск" менюси орқали "Word" дастурини ишга туширинг. Экран кўриниши билан танишинг, унинг тузилишини ўрганинг. Бош меню бандларидан фойдаланиб кўринг. Қисқартирилган ва

2

бўлса, курсорни жадвалнинг ушбу қаторига ўрнатинг.

2. "Таблица" менюсида "Удалить" бўлимини танлаймиз ва зарурий буйруқни босамиз.

3. Бир қанча чизикларни ёки устунларни ўчириш учун.

Жадвалнинг қўшни катаklarини бирлаштириш.

1. Ёнма-ён катаklarини ажратиб олинг.

2. "Таблица" менюсида "Объединить ячейки" буйруғини танланг.

5-дарс учун амалий топшириқлар.

1-вазифа.

Матнни теринг ва форматини тўғриланг:

" $X^2+Y^2=R^2$ " – доира тенгламаси, H_2SO_4 — олтин-гургут сиркаси формуласи".

2-вазифа.

Қуйидаги матнни теринг ва тахрирланг:

Ушбу абзацни эпиграф кўринишига келтириш керак, унда ҳарф ўлчами 6 бўлиб, шрифти қалин, ранги кўк бўлиши керак. Барча ҳарфлар босма, қаторлар орасидаги масофа – бир ярим. Эпиграф атрофидаги ҳошия – худди шу рангдаги икки қатор тўлқинли чизикдан иборат бўлсин. Фони денгиз тўлқини рангида бўлиши керак, юқори чегара матндан 6 бўлим юқорироқда, пасткиси – матндан 3 бўлим пастроқда, чап ва ўнглари эса ундан 4 бўлим чап ва ўнгда бўлиши керак. Эпиг-

7

ни сақлаш учун "Файл" менюсини ёки "Стандартная" асбоблар панелидаги махсус белгини ишлатиш мумкин.

5-дарс.: Имлони текшириш. Хужжатларни принтердан чиқариш. Рўйхатларни тузиш ва тахрирлаш.

Бутун хужжат ичида имлони текшириш

1. "Стандартная" панелида (правописание — имло) тугмасини босинг ёки "Сервис" менюсидаги "Правописание..." буйруғини бажаринг.

2. Очилган "Правописание: Русский" ойнасида имло хатоларини "нет в словаре" бўлимида тўғриласа бўлади (бу бўлим хатоликнинг турига қараб бошқача номланиши ҳам мумкин, мисол учун, "Грамматические ошибки" ёки "Повтор слов") ёки бўлмаса вариантлар бўлиmidан тўғри вариант танланг.

3. "Заменить" тугмасини босинг.

Рақамланган ва маркерланган рўйхатлар тузиш

Биринчи услуб:

1. Рўйхат матнини теринг.

2. Матнни курсор билан белгилаб олинг.

3. Белгиланган матнга сичқончанинг ўнг тугма-

4



сини босинг.

4. Пайдо бўлган контекст менюдан рўйхат бўлимини босинг ва унда рўйхат турини кўрсатиб ўтинг.

Иккинчи услуб:

1. Рўйхат матнини теринг.

2. Матнни белгилаб олинг.

3. "Форматирование" панелида, қайси бири кераклигига қараб,  (Нумерация) ёки  (Маркеры) тугмасини босинг.

Учинчи услуб:

1. Рўйхат матнини теринг.

2. Матнни белгилаб олинг.

3. "Формат" менюсидан "Список" бўлимини танланг.

4. "Список" диалогли ойнасида рақамли ёки маркерли бўлимларни танланг, кейин рақам тури ёки маркер рўйхатини кўрсатинг.

Хужжатни принтердан босмага чиқариш

1. "Файл" менюсидан "Печать" буйруғини танланг.

2. "Печать" ойнасининг "Страница" қисмида керакли бандни танланг.


3. "Страница" бўлимида "Номер" бўлими

5

SEMINAR

СИМСИЗ АЛОҚА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармасида «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг Навоий ҳудудий боғламасида сервис хизматларини ташкиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди.



ЎзААнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят Давлат алоқа инспекцияси, «Навоий Телеком» филиали вакиллари, туман телекоммуникациялар боғламалари раҳбарлари ва соҳанинг бошқа мутахассислари иштирок этган ушбу семинар йиғилишида «Ўзбектелеком Мобайл» филиали мутахассислари энг кенжа мобил алоқаси ҳисобланган мазкур тармоқнинг бошқа уяли алоқа тармоқларига нисбатан афзаллик ва қулайликлари, симсиз алоқанинг янги имкониятлари, шунингдек, филиал тармоғида дилерлик масканларини ташкиллаштириш масалалари, дилерлик учун имтиёзли шартлар, сўзлашув масканларини очиш, провайдерлар учун белгиланган имтиёзли шартлар тўғрисида маълумот бердилар.

Иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга семинар ташкилотчилари батафсил жавоб беришди.

2005 йилнинг мартидан фаолият бошлаган «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг вилоят боғламаси қисқа муддатда бир қатор ижобий ютуқларга эришди. Жамоа ўтган йилни салкам 200 миллион сўм даромад билан якунлади. Жорий йилнинг биринчи чораги ҳам қутилганидан зиёда бўлди: 60 миллион сўмга яқин даромад қилинганлиги буни исботлаб турибди. Симсиз алоқа имкониятларидан кенг фойдаланилаётганлиги олис чўл ҳудудлари аҳолиси учун қўллаб қулайликлар яратяпти.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги мухбири

АСРБОП «АЛАНГА» АТРОФИДА

Амалдаги ўқув йилдан эътиборан касб-хунар коллежимизда «Халқаро алоқа ва информатика технологиялари» йўналиши очилди. 175 нафар иқтидорли талаба биринчи тингловчилар бўлишди. Энг муҳими, бу янгиликка давр талаби даражасида замин яратган ҳолда киришдик.

Гап шундаки, илм ва хунар масканимизга аввало Германиянинг Тараққиёт банки кредити асосида 451 миллион сўмлик замонавий компютер техникалари келтирилди. Хорижда ишлаб чиқарилган жаҳон андозаларига мос дастгоҳлар билан бир йўла олтига хона жиҳозланди.

«Халқаро алоқа ва информатика технологиялари» йўналишида тахсил олаётган ёшларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтмоқда. Улар билан Тошкент ахборот технологиялари университетидан малака ошириб қайтган ходимларимиз шуғулланмоқда. Санжар Сатторов коллежнинг компютер йўналиши курсига раҳбарлик қилаётган бўлса, Рўзибой Тўраев ахборот технологиялари асослари лабораторияси машгулотларини олиб бормоқда. Ўз навбатида, бурчга бундай масъулият билан ёндашувлар ўз интеллектуал салоҳиятини ошириш иштиёқидаги ёшлар орзу-умидлари ушалишида муҳим рол ўйнаши табиий.

Олайлик, талаба Зухриддин Темировнинг «Келажақ овози-2007» кўрик-танлови республика босқичидаги муваффақиятида коллежимиздаги соғлом муҳит ва кенг имкониятнинг аҳамияти катта бўлди. Эндиликда у хунар масканимиз қошида компютерни ўргатиш курсини очиш ҳаракатида юрибди. Албатта, бундай фидойи ёшларни қўллаб-қувватлаш бизнинг бирламчи вазифамиз ҳисобланади. Умид қиламизки, яқин келажақда Зухриддиннинг издошлари кўпаяди.

Дарҳақиқат, коллежимизнинг замонавий жиҳозланган хоналарига кирсангиз, юртимиз эртасига катта умид ва ишонч билан боқаётган ёшлар зехнига, шубҳасиз, ҳавас қиласиз.

Алишер МЕНГЛИЕВ,
Термиз маъийи хизмат касб-хунар коллежи директори

Фикр

Ёшлик пайтида шундай фикрлар туғиладики, бу фикрлар келажақда инсонни кўкларга кўтариши мумкин.

К.ГЕЛВЕЦИЙ

QAROR VA IJRO

Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 3 мартдаги «Лицензиялаш масалаларига доир очик эшиклар кунини жорий этиш тўғрисида»ги фармойишини амалга ошириш бўйича махсус режага асосан иш юритмоқда.

Очик эшиклар кунини

Яқинда бошқармада очик эшиклар кунини ўтказилди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида эълон қилинганлиги туфайли бошқармага кўплаб тadbиркорлар, ишбилармонлар ҳамда шу соҳага қизиқиш билдирганлар ташриф буюрдилар.

Улар ҳудудий бошқарма, вилоят Давлат алоқа инспекцияси, «Фарғона Телеком» филиали раҳбар ва мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича саволларига жавоб олдилар. Шунингдек, иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва шу қарор билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар билан ҳам батафсил таништирилди ва уларга бу ҳужжатларнинг моҳияти, тadbиркорликни ривожлантиришда хизмат кўрсатишга бериладиган лицензия учун давлат божлари камайtirилганлиги, лицензиялашнинг аҳамияти атрофлича тушунтирилди.

Энди ҳудудий бошқармада ҳар ой очик эшиклар кунини мунтазам ўтказиб борилади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
«Хабар»нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ЭЪТИБОР

Ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, улар муаммоларини ўз вақтида ечишда «Ёшлар йили Давлат дастури» муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг ижтимоий, маъийи эътиёжларини қондириш, тураржой масаласини ҳал қилиш мақсадида Қарши шаҳрида 30 ёшгача бўлган оилалар учун 32 хонадонли иккита тураржой биноси қурилиши жадаллик билан олиб бориляпти.

— Ёш мутахассислар ҳисобига корхонамиз сафи кенгайиб борапти, — дейди «ЎЗИ-Қарши» филиали касба уюшмаси кўмитаси раиси Шухрат Каимов. — Жорий йилнинг биринчи чорагида беш нафар ёш мутахассисни моддий рағбатлантирдик. Ҳозирда корхона ёшларининг оилавий шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳимиз уларнинг хонадонларидан бўлишмоқда. Интернет-кафе оператори Аҳмад Бобомуродовга уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кре-

дит олишига кўмаклашяпмиз. Оила қураётганларга эса энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан моддий ёрдам бериш корхонамизда аъёбона тусини олган.

Бу каби эзгу ишлар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиалида ҳам кенг қулоч ёйган. Жумладан, ҳар ойнинг сўнгги шанбаси филиалда Ёшлар кунини деб белгиланган. Ёшлар ўзларини қизиқтирган мавзуларда чиқиш қилиб, муаммоли масалаларни ўртага ташлайдилар. Албатта, бу масалалар ҳамжиҳатликда ҳал қилинмоқда. Яқинда филиалнинг бир неча ёш ишчи ходимлари учун филиал ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти томонидан истеъмол буюмлари харид қилинди. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳамкасбларини ҳам янада яхшироқ ишлашга, ташаббускорликка ундайди.

А. ИСМОИЛОВ

НАМКASBLARIMIZ

Бир касбда ўттиз йил

Бу инсон билан беш йилдан бери танишимиз. Эллиққалъа туман радиотелевидение станцияси бошлиғи вазифасида ишлайди. РТСда олиб борилаётган яхши ишлар дарагини эшитиб, Эллиққалъа туман маркази — Бўстонга йўл олдим.

Алоқа идорасида излаганим — Кидирбой Кребоевга дуч келдим. Аввало, Қ.Кребоев ҳақида икки оғиз сўз. У Урганч туманида таваллуд топган. Урта мактабдан сўнг Тошкент алоқа техникумини телевизион техника ва радиореде мутахассислиги бўйича тамомлади, 1978 йилдан Нукус ва Беруний туманларида турли вазифаларда меҳнат қилди. 1989 йилдан Эллиққалъа РТС бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

— Станциямиз жамоаси аҳолига теледастурларни сифатли тарзда узатиб бermoқда, — дейди Кидирбой. — Дастлаб касб сирларини ўрганишимизда устозим, раҳматли Полвонниёз ота Сийитбековнинг хизматлари катта бўлди. Ҳозирда шоғирдларим Қурол Ҳрозбоев, Тожибой Вафоевлар билан ҳамжиҳатликда ишляяпмиз.

Эллиққалъа РТСда 2002 йили эски узатгичлар ўрнига хитойлик ҳамкорлар ёрдамида иккита замонавий телевизион, битта FM радио узатгич ўрнатилди.

Ҳозирда «Ўзбекистон», «Ёшлар» телерадио каналлари, Қорақалпоғистон телевидениеси кўрсатувлари, НТТ (Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи) ва Эллиққалъа



маҳаллий телевидениеси дастурлари эфирга тарқатилмоқда.

Истараси иссиқ, савоб иш қилиб чарчамайдиган оддий меҳнат кишиси Кидирбой Кребоев Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўз касбининг устаси» нишондоридир. Шу касбда ўттиз йил ишлаб, эллиқ ёшни қаршилаётган ҳамкасбимизга омад ёр бўлишини тилаймиз.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
«Хабар»нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири

ТО‘УХАТ



Аёл қалби

Раъно опага бу исми отаси сеvimли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг қахрамонига ҳавас қилиб қўйган бўлса ажаб эмас. Ёшлигида сочини қирққоқил ўриб улғайган Раъно опа тенгдошлари орасида аъло хулқи билан ажралиб турар, мактабда ўтадиган ҳар бир тадбир унинг иштироки билан янада завқли бўлар эди.

Раъно Қиличева ўрта мактабни тугатиб, фаолиятини мактабгача тарбия муассасаларининг бирида тарбиячиликдан бошлади. Сиртдан Тошкент юридик техникумини тамомлади. Қашқадарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармасида инспектор, етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади.

1992 йилда Қашқадарё вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш давлат корхонасидан почта соҳаси ажралиб чиқди ва Қашқадарё давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонаси ташкил этилди. Худди шу кезларда янги ташкил этилган корхонага Раъно Қиличева етакчи мутахассис сифатида ишга тақлиф этилди. Корхона бу даврда мураккаб жараёнларни ўз бошидан кечирди. Сабаби, корхона ташкил этилган вақтда малакали мутахассисларнинг кўпчилиги вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш корхонасида қолган эди. Почта соҳасига мутахассисларнинг жалб этиш, борларини қайта тайёрлаш ишлари меҳнат ва изланиш-

ларни талаб этарди. Раъно Қиличева почта хизматлари бозоридаги талабларни қондириш, хизмат турлари кўпайтириш, рақобатбардорлигини ошириш ишларида фаол иштирок этди.

Кўп ўтмай корхона очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. Раъно Қиличева етакчи мутахассисликдан кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатиб, жамиятнинг асосий мақсади, фаолият тури, Низомини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш ишларида ҳам бош-қош бўлди.

— Ишнинг унумдорлигини ошириш, албатта, кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ, — дейди Раъно опа. — Баъзан ходимларнинг ўз вазифасига лоқайдлик билан қарashi натижа-сида оғохлантириш, интизомий чора кўришга тўғри келади, уларга амалий ёрдам бериб, илғорлар сафини дор жой олишига ҳаракат қиламиз. Тартиб-интизом бор жойда ўсиш бўлади.

Икки йил бўлаптики, вилоят филиалида ишни марказлаштирилган тартибда олиб бориш йўлга қўйилди. Оқибатда ходимлар бўлимида ҳам иш кўлами бир оз кўпайди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган минг нафардан ортиқ ишчи-ходим тўғрисидаги маълумотлар базаси Раъно опа бошчилигида яратилди.

Раъно Қиличева ота-онаси тарбияси, гамжўрлиги олдида доимо бош эгади. Отаси узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилганлардан. Бугун Қарши шаҳрининг кўчаларидан бири Раъно опанинг отаси — Файзулла Қиличев номи билан аталади. Қиличевлар oilасини шаҳарда кўпчилик яхши танишади. Oilа фарзандлари турли жабҳаларда меҳнат қилиб келишмоқда.

Кўпчиликка ибрат ва ўрнак бўлиб келаётган Раъно опа жамоат ишларининг ташкилотчиси ва фаол бажарувчиси ҳамдир. Филиалда ташкил этилаётган ҳар бир сана эътибордан четда қолмайди. Бундан ташқари, ходимларнинг шахсий масалалари, муаммоларини маълумият билан биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилади. Баҳор фаслининг фусункор лаҳзаларида ўзининг кутлуғ ва муборак ёшини қарши олган Раъно Қиличевага доимо бошингиз омон, соғлигингиз мустаҳкам бўлсин, деб қоламиз.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё вилоятдаги мухбири

«Билайн»дан янги SMS-имкониятлар

«Unitel» МЧЖ ўз абонентлари учун халқаро SMS-хабар юборишда янги имкониятлар юзага келганини маълум қилади.

Тез орада Ўзбекистондаги «Билайн» абонентлари бутун дунёдаги операторларнинг абонентлари билан тўлиқ равишда халқаро SMS-хабар алмашиш имконига эга бўлади. Айни пайтда бундай алмашув имконияти Хитой билан йўлга қўйилган.

— Биз абонентларимизга бутун дунё бўйлаб SMS-хабар юбориш қулай бўлиши учун турли ресурслардан фойдаланишни давом эттиряпмиз, — дейди «Unitel» МЧЖ техник директори Михаил Богоявленский. — Талабларга тўла жавоб бериш мақсадида компаниямиз ўз абонентларига sms-hubbing хизматини, яъни тўғридан-тўғри роуминг келишув мавжуд бўлмаган тақдирда sms-хабар алмашининг янги усулини тақлиф этди.

SMS алмашинув билан боғлиқ мазкур хизмат бир вақтинг ўзида дунёдаги 700дан ортиқ мобил алоқа операторлари тармоғига боғланиш имконини беради. Бу амалдаги технологиядан қатъи назар (CDMA, GSM, iDEN, TDMA, DAMPS, AMPS) МДХ ва бошқа мамлакатлардаги мобил алоқа операторлари ўртасида ишончли sms-хабар алмашиниш демакдир.

Операторларнинг ушбу гуруҳидаги абонентлар учун юборилаётган ҳар бир SMS-хабар нархи олдиндан тўлов амал қиладиган (pre-paid) абонентлар учун КҚС билан 0,20\$, тўловни, кейин амалга оширадиган (post-paid) абонентлар учун эса КҚСсиз 0,20\$ни ташкил қилади.

Фикр

Бахт кўп меҳнат қилганга nasib бўлади.
Леонардо да Винчи

ҲАЁТДАГИ БИРДАН БИР БАХТ - БУ ДОИМО МАҚСАД САРИ ОЛФА ИНТИЛИДИР!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

«Universal Ta'lim»

Ўқув маркази қуйидаги интенсив ўқув бўлимлари тақлиф қилади:

1. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:

(фақат яқна тартибда)

- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, компютер, интернет).
 - **Компютерда офис ишлари** (бошқовчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
 - **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
 - **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм. Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
 - **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури. 1-2 ой, 1 ойга — 40-50 минг сўмдан.
 - **WEB-сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver)** - 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
 - **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6,0 DELPHI)** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм. Ва бошқа дастурлар...
 - **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм ва бошқа дастурлар...
2. **МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:**
(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, компютер, интернет).
 - **Бухгалтер - молиячи (бош ҳисобчи даражасида)** - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нолдан балансгача, Компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
 - **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқна тартибда.
 - **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** -

шартнома асосида.

- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер. Ҳўжатлаштириш. Меҳнат қонунчилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалте рия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтер рия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Кадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, меҳнат қонунчилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

3. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:

(фақат кичик гуруҳларда)

- **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Уяли телефонларни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
- **Уяли телефонларни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
- **Загарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яқна тартибда, заргар ўргатади.
- **Сартрош-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тирноқлар ва киприклари ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқна тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Фармацевтика** (Компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиш дорихонада.
- **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** - (Компютер ва интернет билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиш поликлиникада.
- **Кийимларни тикиш-бинши, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.

- **Астарли устки кийимлар тикиш** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқна тартибда).
 - **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикиш** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яқна тартибда).
 - **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор - 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм (яқна тартибда).
 - **Кўлда кийим-буюмлар тўқувчи** (яқна тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
 - **Бисер усулида каштакчи-базачи** - (олий курси билан) 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
 - **Бисер асосида дизайн** - (яқна тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
 - **Зардўзлик** - (яқна тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
 - **Машинада ва кўлда кашта тикиш** (вишиевка) - 3 ой, 1 ойга 25 минг сўм (яқна тартибда).
 - **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқна тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
 - **Уйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
 - **Пазандачилик** - (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор 1 ой ва 1,5 ойга — 20 минг сўм.
 - **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм (яқна тартибда).
4. **ТИЛЛАРИНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:**
(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
- **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чўқур ўрганиш) гид-таржимон - 4 ой, (олий курси) гапласуш клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
 - **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гапласуш клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
 - **Немис, француз, инглиз, рус, корейс, турк ва араб тиллари** - (яқна тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 100 минг сўм.

- Дарслар фақат яқна тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳўжат топишган кунингизданок бошланади;
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки тузилганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиши йўли билан!
- Сертификат — диплом берилади.
- Қабул: 9:00-19:00, дам олиш куни — яқшанба. Ётоқхона - 1 ойга 25-30 минг сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 13-й.
КЕЛИШ ЙЎЛИ: Автобус: 77. Трамвай: 9.
Тролейбус 6. Маршрутка: 98, 132, 15, 134, 40, 81, 12, 98. **Метронинг** «Ҳамза» бекати.
Мўлжал: «Flagman» кафе-ресторанининг ўнг томонидаги 13-уй.



Тел.: 173-91-60(факс), 173-44-26.

Лицензия № ASUZ 001922007T0002-05

SPORT

2:0 – БИЗНИНГ ФОЙДАМИЗГА!

Осиё чемпионлар лигаси учинчи тур баҳслари вакиллари-миз учун чиройли ғалабаларни тақдим этди. "Пахтакор" ўз майдонида Ироқнинг "Арбил" клубидан 2:0 ҳисобида устун келган бўлса, "Курувчи" сафарда Суриянинг "Ал Иттиҳод" жамоасини худди шу ҳисобда таслим қилди.



МХСК стадионида кечган баҳснинг биринчи бўлимида ташаббус бир оз "Пахтакор" томонида бўлди. Бироқ содир этилган хавфли вазиятдан Равшан Хайдаров шогирдлари унумли фойдалана олишмади.

Иккинчи бўлимда Фарҳод Тожиев ўрнига Александр Гейнрих майдонга туширилиши "Пахтакор" ҳужумларини кучайтирди. 47-дақиқада ироқликлар ҳимоячиси тўпни қўл билан ўйнаганлиги учун жарима тўпи белгиланди. Акмал Холматов тўпни Илхом Суюновга узатди, у эса 20 метр масофадан кучли зарба билан дарвозанинг яқин бурчагини аниқ забт этди. Голдан рухланган пойтахтликлар тез орада ҳисобни 2:0га етказишди. "Арбил" дарвозабони Зайниддин Тожиевни жарима майдончаси ичида қўполлик билан пўхташиб қолди. Ҳакам томонидан белгиланган пеналтсини Гейнрих аниқ амалга оширди.

"ПАХТАКОР" – "АРБИЛ" – 2:0

Голлар: Илхом Суюнов, 47; Александр Гейнрих, 52.

Ушбу ғалабадан сўнг, "Пахтакор" "D" гуруҳида 2-ўринга кўтарилди. "Ал Қодисия" эса ўз майдонида "Ал Гарафа"ни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, гуруҳдаги пешқадамликни яна ҳам мустаҳкамлаб олди. Айтиш лозимки, "Арбил" устидан қозонилган ғалаба "Пахтакор"нинг ОЧЛдаги 36-ғалабаси бўлиб, ушбу кўрсаткич қитъа миқёсида рекорд натижадир. Шу пайтгача БААнинг "Ал Айн" жамоаси ҳисобида ОЧЛ баҳсларида 35та ғалаба мавжуд эди.

ОЧЛ дебютанти ўзининг ишончли ўйинлари билан мухлисларни хушнуд этишда давом этмоқда. Сафарда кучли рақиб билан тўп сурганига қарамай, "Курувчи" клуби чиройли ва муҳим ғалабага эришди. Учрашувда Миржалол Қосимов шогирдлари рақибларидан ҳар томонлама устун

эканликларини намойиш этишди. Айниқса, қанот ўйинчилари — жароҳатидан тузалиб майдонга қайтган Жасур Ҳасанов ҳамда Виктор Карпенколар ажойиб ўйин кўрсатишди.

Учрашувнинг биринчи бўлими юқори суръатда ўтди. Ҳар иккала жамоа ҳам гол киритиш учун етарлича имкониятга эга бўлди.

Иккинчи бўлим "Курувчи"нинг ҳужумлари билан бошланди. Натижада сурияликлар ўйинида пала-партишлик юзага кела бошлади. Бундай вазиятдан унумли фойдаланган Жасур Ҳасанов ҳимоячидан тўпни олиб қўйди ва яна бир ҳимоячини алдаб ўтиб, дарвозанинг бурчагини аниқ нишонга олди. Голдан кейин ҳам "Курувчи" аъзоларининг фаоллиги сусаймади. Кетма-кет уюштирилган ҳужумлар 74-дақиқада ўз самарасини берди. Виктор Карпенконинг ўнг қанотдан ўткир бурчак остида берган зарбасини суриялик дарвозабон қайтаришга муваффақ бўлди. Қайтган тўпга биринчи бўлиб етиб келган Темур Кападзе дарвозага аниқ зарба йўллади.

Орадан 4 дақиқа ўтиб, Кападзе "дубл"га эришиши мумкин эди, аммо Жепаровнинг чиройли тўп узатишидан сўнг дарвозабон билан бирга бир вазиятга чиқиб борган Темурнинг зарбаси дарвоза тўсинига тегиб майдонни тарк этди.

"АЛ ИТТИҲОД" – "КУРУВЧИ" – 0:2

Голлар: Жасур Ҳасанов, 50; Темур Кападзе, 74
Гуруҳнинг иккинчи учрашувда Эроннинг "Сепохон" жамоаси Саудия Арабистонининг "Ал Иттиҳод" клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу натижа "Курувчи"га гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олиш имконини берди.

Эслатиб ўтамыз, ОЧЛ чорак финал босқичига ўз гуруҳида биринчи ўринни олган жамоаларгина йўл олишади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «D» ГУРУҲИДА

Даммам шахрида 19 ёшгача бўлган футболчилар иштирокида Осиё чемпионатида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

«А» гуруҳи	«В» гуруҳи	«С» гуруҳи	«D» гуруҳи
1. Япония	1. Ж.Корея	1. КХДР	1. Иордания
2. Саудия	2. Ироқ	2. Хитой	2. Австралия
3. Арабистони	3. БАА	3. Тожикистон	3. Тайланд
4. Эрон	4. Сурия	4. Ливан	4. Ўзбекистон
4. Яман			

Ушбу турнир Саудия Арабистонида 31 октябрдан 14 ноябрга қадар бўлиб ўтади.

Ярим финал:

МЮ – БАРСЕЛОНА; ЧЕЛСИ – ЛИВЕРПУЛ

Осиё чемпионлар лигасида гуруҳ баҳслари қизғин паллага кирган бир пайтда, Европа яшил майдонларида қитъанинг энг кучли клуби номига даъвогар тўрт жамоа аниқланди.

«Челси» (Англия) – «Фенербахче» (Туркия) – 2:0

Голлар: Баллак, 4; Лэмпард, 87.

«Ливерпул» (Англия) – «Арсенал» (Англия) – 4:2

Голлар: Хюя 30, Торрес, 69, Жеррард 85 (пен.), Бабел, 90+2 – Дяби 13, Адебайор, 84.

«Барселона» (Испания) – «Шалке-04» (Германия) – 1:0

Гол: Туре, 43.

«Манчестер Юнайтед» (Англия) – «Рома» (Италия) – 1:0

Гол: Тевес, 74.

Ярим финалда шиддатли қарама-қаршиликлар гувоҳи бўламиз: **«Манчестер Юнайтед» – «Барселона»; «Челси» – «Ливерпул».**

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг биринчи ўринбосари Рихси Исаевга укаси **Жабборхўжа ИСАХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази жамоаси марказ директорининг биринчи ўринбосари Рихси Исаевга укаси **Жабборхўжа ИСАХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
- Бахтиёр КУБЕЕВ
- Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
- Миродил САҲИЛОВ
- Шухрат СОДИҚОВ
- Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
- Асаджон ХҲҲАЕВ
- Рустан ҚОСИМОВ
- Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариқмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг таҳририятга таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

353-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қозғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 12531 нусха.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲҲИЕВ.
Матн терувчи: Диффуз МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 8

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Васила Илхомга унаштирилганидаёқ бўлажак қайнонасининг қаттиққўл ва кибрлилиги ҳақида бир нечта танишларидан эшитди ва юрагида қандайдир ҳадиксираш пайдо бўлди. Келин бўлиб тушгач эса одамларнинг гапи бежиз эмаслигини пайқайди. Мақсуда ая ҳақиқатан ҳам доимо қовоғини уюб юрадиган аёл экан. Шу хонадонга келибдики, бирор марта кулганини кўрмади. Овқат пиширишдан тортиб, уй ва ҳовлиларни супуришгача камчилик топади ва турли кесатикларни ёғдириб ташлайди.

— Ҳаётда бирорта китоб ўқимаган бўлса керак. Бунақа тагдор гапларни қаердан топаркин-а?

У ҳар куни эрталабдан қайнонасини юмшатишга ҳаракат қилади. Ая туриши билан "Ассалому алайкум, ойижон, яхши ётиб турдингизми?", дейди табассум билан. Қайнона эса хоҳласа алик олади, хоҳламанга йўқ. Ушанда ҳам шундай бўлди. Василанинг саломи оғзида қолди. Мақсуда ая бир хўмрайиб ҳовлига чиқиб кетди. Васила ўқинч ва

аламдан йиғлаб юборди.

Унинг ҳолатини кўрган қайнотаси:

— Она қизим, йиғингиз сабабини тушуниб турибман. Ойингиз ўзи ёмон эмас, лекин феъли шунақа. Бир қарасангиз ёз, бир қарасангиз қиш. Сиз саломингизни қанда қилманг. Ойингизнинг ўрнига

бировдан кам бўлмади. Ҳаётда бирор марта кўрган қайнотаси:

— Она қизим, йиғингиз сабабини тушуниб турибман. Ойингиз ўзи ёмон эмас, лекин феъли шунақа. Бир қарасангиз ёз, бир қарасангиз қиш. Сиз саломингизни қанда қилманг. Ойингизнинг ўрнига

Ассалому алайкум,

Ойижон...

фаришталар алик олишади. Сизга Аллоҳдан узоқ умр, саломатлик, тўқис бахт тилашади, — деди юпатиш оҳангида.

Шу-шу Васила қайнотаси айтганидай йўл тутди. Табассум-ла салом беришнинг давом эттирди. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда

эрталаб барвақт туриб аянинг ёнига қолади, парвариш қилади. Бугун ҳам турди-ю, қайнонаси ётган хонага югурди: ўзи ҳаракат қила олмаса, ағдарилиб қолмаган бўлсин ишқилиб. Эшикни очиши билан:

— Ассалому алайкум, болам. Яхши ётиб турдингизми? — деди қайнонаси кўтаринки кайфиятда.

— Ассалому алайкум, ойижон, тузукмисиз? — деди Васила ҳам саломга салом билан жавоб бериб ва одатдагидай она парваришига киришди. Лекин кечгача қайнонасининг саломи хаёлидан кетмади. Унинг биринчи бўлиб салом бериши сабабини тушуна олмас, эҳтимол бирор кун бесалом кирдиммикан дея хавотирланарди. Эртаси

куни ҳам шундай бўлди. Ахийри Васила чидай олмади.

— Ойижон, — деди қайнонасининг сочларини текислай туриб, — Бир нарсга сўрасам майлими?

— Ҳа, болам. Бемалол сўрайверинг.

— Нима учун икки кундан бери эшикни очишим билан салом берасиз. Ёки бирор кун...

— Э, болажоним-а, — деди қайнона чуқур уф тортиб. — Мана, 16 йилдан бери хизматимдасиз. Тарбия берган ота-онангизга раҳмат, тош келса кемайриб, сув келса симириб яшяспсиз. Мен ўзимни қандай бўлганлигимни яхши билманман... — у бир оз тин олиб, яна давом этди. — Саломга келсак, менинг аҳволимни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Бир лаҳзалик уйку билан тинчиқиб оламани, кечаси билан бедор ётаман. Тик этган товушга қулоқ тутаман. Қачон тонг ёришар экан-у, қачон болагиман эшигимни очар экан дея интизорлик билан кутаман. Шундай бўлгач, салом берман-да.

Аянинг кўзларидан оқайтган ёш икки чаккасидан оқиб, оппоқ сочлари орасига синга бошлади. Бу қачонлардир қилган кибру хавосидан ўқиниш, пушаймонлик ёшлари эди...

Муборак МИРКАМОЛОВА

Эзоп масаллари

Қария ва ажал

Бир қария ўрмонда ўтин кесиб, уни уйи томон судрай бошлади. Йўл жуда олис эди. Қария ҳолдан тойиб ўтинни ташлади-да, Яратгандан ўзига ўлим тилаб ёлворди. Шунда ажал ҳозир бўлди ва қариядан нима учун йўқлаётганини сўради. Қария шундай жавоб берди:

— Утинимни судрашиб юборишинг учун сени чақирганим.

Қиссадан ҳисса шуки, инсон қанчалар бахтсиз бўлмасин, яшаш барибир яхши.

Зевс ва илон

Зевс тўй қилаётган эди. Ўрмондаги барча ҳайвонлар тоғанларини унга совға қилиб келтиришди. Бир пайт оғзида гул тишлаган илон ҳам судралганча келиб қолди. Зевс илоннинг совғасини олмади ва деди:

— Мен ҳаммамнинг совғасини олсам ҳам, сенинг тишингдаги совғани олмайман.

Қиссадан ҳисса шуки, ёмон одамларнинг яхшилигида ҳам хатар бор.

Г. ХАЙДАРОВА тайёрлади

Фикр

Ҳаётда фақат биргина чинакам бахт бор, у ҳам бўлса бошқалар учун яшамокликдир.

Л.ТОЛСТОЙ



ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?!

Жорий йилнинг биринчи чораги ҳам якунланди. Мазкур даврда газетамиз обуначилари сони ўн тўрт мингтадан зиёди ташкил этди. "Матбуот тарқатувчи" АК ҳамда "Тошкент почтамати" филиали 2008 йил апрел ойи учун тақдим этган маълумотларга кўра, бу кўрсаткич апрел ойида 11886тадан иборат бўлди. Бу куйидаги жадвалда ҳам акс этган:

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри	янв.	апр.
1 Тошкент шаҳри	3651	3493
2 Қорақалпоғистон Республикаси	1698	1714
3 Фарғона	1366	1113
4 Андижон	1027	966
5 Қашқадарё	1019	398
6 Сурхондарё	1011	983
7 Самарқанд	763	509
8 Тошкент	745	519
9 Бухоро	621	475
10 Хоразм	600	421
11 Наманган	435	305
12 Жиззах	407	350
13 Сирдарё	374	319
14 Навоий	313	321
ЖАМИ	14030	11886

Энди келгуси чорақда обуна қайси вилоятда қанча бўларкин?.. Демак, обуна давом этмокда.

Нашр кўрсаткичи — 228.



OBUNA-2008

AJIB DUNYO



"МОТ" БЎЛГАН НАПОЛЕОН

Франциянинг собиқ императори Наполеон Бонапарт 1816 йилда сургун қилинган Муқаддас Елена оролидан муддатидан илгари чиқиб кетиши мумкин эди.

Гап шундаки, оролга сургун қилинган Наполеонга яқин дўсти доналари фил суяги ва нефритдан ишланган шахматни совға қилиб юборди.

Наполеон Бонапарт ҳар куни нозик дид билан ишланган шахмат доналарини завқланиб томоша қилар, спонгра ўзи билан ўзи уйнади.

Собиқ император вафотидан сўнгра мазкур шахмат бир неча бор кимошди савдосида юқори баҳога сотилиб, қўлдан қўлга ўтиб юрди. Унинг охириги эгаси доналарни томоша қилиб ўтириб, унинг таги буралиб очилишини сезиб қолди. У барча доналарни очиб қаради ва... доналар ичида ордолдан қочиш йўллари кўрсатилган харита яширилганлигига амин бўлди.

Демак, Наполеон ўша вақтда шахмат доналари ичига махсус "режа" жойлаштириш мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган ва тақдир уни яна бир марта "мот" қилган экан.

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалининг Тошлоқ почта алоқаси тармоғи жамоаси тармок бошлиғи Абдурашул МАМАЖОНОВни таваллуд айёми билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, соғлиқ ва фарзандлари камолини кўриб юришни тилайди.

"ЎИ-Қарши" филиали жамоаси муҳандислар — Исмаилло ЧОРИЕВ ва Раъно ШАРОПОВА ҳамда назорат ассистенти Ҳалима ХОЛМАТОВАларни туғилган кунлари билан қутлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, ишларида ривож, оилавий хотиржамлик тилайди.

